

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ШИПИЛОВА КАМИЛА БАХТИЯРОВНА**

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ АТРОФ-  
МУҲИТГА КЕЛТИРИЛАДИГАН ЗАРАРИНИ БАҲОЛАШ  
(Тошкент шаҳри мисолида)**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва  
табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Шипилова Камила Бахтияровна**

Автомобиль транспорти чиқиндиларининг атроф-муҳитга келтириладиган зарарини баҳолаш (*Тошкент шаҳри мисолида*).....3

**Шипилова Камила Бахтияровна**

Оценка вреда, наносимого окружающей среде отходами автомобильного транспорта (*на примере города Ташкента*).....19

**Shipilova Kamila Bahtiyarovna**

Assessment of the damage caused to the environment by road transport waste (*on the example of the city of Tashkent*).....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....40

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ШИПИЛОВА КАМИЛА БАХТИЯРОВНА**

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ АТРОФ-  
МУҲИТГА КЕЛТИРИЛАДИГАН ЗАРАРИНИ БАҲОЛАШ  
(Тошкент шаҳри мисолида)**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва  
табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/12171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкени ирригация ва қишлоқ ҳужалиғини механизациялати муҳандислари институтида баҳарланган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iianic.uz](http://www.iianic.uz)) ва «Ziynets» ахборот тилида порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Радишевич Мария Викторовна техника фанлари доктори, ленинг
Расмий шикоятлар:	Мурадов Шуҳрат Одилович техника фанлари доктори, профессор Ханкелтин Тавбай Қаршиевич техника фанлари номзоди, доцент
Етабчи ташкилот:	Ислам Каримов номидаги Тошкени давлат техника университети

Диссертация химовси Тошкени ирригация ва қишлоқ ҳужалиғини механизациялати муҳандислари институти ҳузуридаги ОС: 03/30.12.2019.1.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 29-к. июль 2021 йил дағи 14<sup>00</sup> дақиқ мавқияда бўлиб ўзини (Магист. 100000, Тошкени ш., Қорн – Нийзий дўчаси, 39-уй. Тел/Факс: (+99871) 237-46-68. e-mail: [admin@iianic.uz](mailto:admin@iianic.uz)).

Докторлик диссертацияси (PhD) билан Тошкени ирригация ва қишлоқ ҳужалиғини механизациялати муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида шикоятли мумкин 14<sup>00</sup> рақам билан рўйхатга олинган). Магист. 100000, Тошкени ш., Қорн – Нийзий кўчаси, 39-уй. Тел/Факс: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил 16-к. июль куни тарқатилди (2021 йил 16-к. июль дақиқ 14<sup>00</sup> рақамли рўйхат билан).



Т.З. Султонов  
Илмий даражалар берувчи бир  
марталик олий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

А.А. Янгиев  
Илмий даражалар берувчи бир  
марталик олий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

Б.К. Каримов  
Илмий даражалар берувчи бир  
марталик олий кенгаш ҳузуридаги бир  
марталик олий кенгаш раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг барқарорлигини таъминлашда уларнинг транспорти муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, кўпгина хорижий давлатларда жумладан, Исроил, Греция, АҚШ давлатларида автомобиль чиқиндиларини инвентаризация қилиш, чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, уларнинг шаклланиши ва территориал равишда тақсимланиши жараёнларининг интенсивлиги, тўплаш, ташишни ташкил этиш, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш жараёнларида мониторинг ўтказишнинг замонавий усуллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, транспортнинг экологик барқарорлигини таъминлашда автотранспорт ва транспорт чиқиндиларининг атроф-муҳитга таъсирини комплекс баҳолаш, автотранспорт воситаларидан фойдаланиш оқибатида юзага келган чиқиндилар билан барқарор ишлаш тизимларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда барча транспорт воситаларини ишлатиш давомида, улардан чиқиндиларни ҳосил бўлиши жараёнларига самарали баҳо беришга қаратилган мақсадли илмий тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, автомобиль транспорти чиқиндиларининг атроф-муҳитга етказётган зарарини баҳолаш учун чиқиндиларнинг сифат ва миқдорий таркиби, уларнинг шаклланиши ва территориал равишда тақсимланиши жараёнларининг интенсивлиги, йиғиш, ташишни ташкил этиш, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 2,5 миллиондан зиёд автомобиль қайд этилган бўлиб, улардан 0,5 миллионга яқини Тошкент шаҳрига тўғри келса-да, бу муаммо ханузгача ҳал этилмаган. Бунча миқдордаги автомобиллардан фойдаланиш натижасида автотранспорт воситаларини (АТВ) жойлаштириш, чиқинди газлар ва оқовалар туфайли атроф-муҳитга етказилаётган зарарнинг ортиши, турли хилдаги чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Шу билан бирга, автомобиллардан фойдаланиш циклининг барча босқичларини ҳисобга олувчи автомобиль транспортдан етказиладиган зарарни комплекс баҳолаш усуллари такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикасида чиқиндиларнинг тўпланиши муаммосига бўлган эътибор кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2017й. № ПФ-5024 «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»<sup>1</sup> ги фармони мувофиқ, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назорати ўрнатилиши лозим. Шу жиҳатдан, мазкур масалани ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати таркибида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, қайта ишланиши, кўмилиши ва бу барча ишларни амалга оширилишини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сонли фармони

назорат қилиш инспекциясининг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПФ-841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонида (11.6-вазифа қуйидагича шакллантирилган: 2030 йилгача шаҳарлар экологиясининг аҳолига салбий таъсирини камайтириш, бунда ҳавонинг сифатига ҳамда шаҳар чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларнинг чиқариб ташланишига алоҳида эътибор қаратиш), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 — 2028 йиллар даврида «Ўзбекистон Республикасида каттик маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291 Қарорида ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган кўзда тутилган вазифаларни бажарилишини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикасида Ўзбекистон автомобиль транспорти чиқиндиларига тааллуқли бўлган алоҳида илмий ишлари Б. Бозоров, О. Одилов, И. Кушбоков, А. Барханаджян, Р. Хақимов, М. Радкевич, К. Шарипов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ва кўзланган натижаларга эришган.

Таснифлаш услубини танлаш бўйича жараёнларни ўрганиш соҳасига В. Луканин (V. Lukanin), Ю.Трофименко (Y. Trofimenko) , В. Комков (V. Komkov), И. Дьяченко (I.Diychenko), Н.Митрохин (N.Mitrohin), А.Павлов (A.Pavlov), А.Киценко (A.Kicenko), М. Аша (M.Ashaa), К.Чандамб (K.Chandanb), Х.Харишб (H. Harishb), В. Анфимов (V.Anfimov), Е. Гольдман (I.Goldman), М.Нвачукву (M. Nwachukwu), Х. Фенг (H. Feng), К.Ачилик (K. Achilike) ва шу каби бошқа хорижий олимлар сезиларли ҳисса қўшишган. Муаллифлар томонидан транспорт воситасининг экологик баланси таклиф этилган ва ўрганилган, автомобиль воситаларининг умумий қўлланиш жараёнидан қайта ишлаш босқичи ажратилган, автомобиль транспорти чиқиндиларининг тўпланиш ҳажмини баҳолаш, автомобиль транспортини ишлатилиши даврида ҳавони сарф бўлиши натижасида атмосферада кислород концентрациясининг ўзгариши ва шу каби масалалар ўрганилган.

Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги кўплаб тадқиқотларга қарамай, таклиф қилинган усулларининг жиддий камчилиги шундаки, уларга биноан, чиқиндиларнинг алоҳида турлари билангина ишланади, чиқиндиларнинг зарари комплекс равишда ўрганилмайди, автомобиль транспорти томонидан атроф-муҳитга етказилаётган зарарни иқтисодий жихатдан баҳолаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Буларнинг барчаси Ўзбекистонга тегишли бўлган ҳақиқий рақамларга асосланган усулни ишлаб чиқишни талаб этади, шу муносабат билан мазкур масала янада кенгроқ ўрганишга муҳтож.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг № 2.15 «Хўжалиқ фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш (қишлоқ ва сув хўжалиги мисолида)» (2018-2020) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** автомобиль транспортдан фойдаланиш натижасида ажралиб чиққан чиқиндилар билан ишлашда атроф-муҳитга етказилаётган зарарни баҳолаш усулини ва зарарни камайтириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент шаҳри шароитида автомобилларни ишлатишдан шаклланадиган (эксплуатация материаллари) чиқиндиларнинг тўпланиши масштаблари ва динамикасини баҳолаш;

автотранспорт чиқиндиларини тўплаш ва қайта ишлаш соҳасидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш;

автомобиль транспортининг қаттиқ ва суюқ чиқиндиларининг атроф-муҳитга етказиётган зарарини баҳолаш;

автомобиль транспорти ишлашининг шаҳар ҳавосида кислород концентрацияси пасайишига боғлиқлигини аниқлаш ва кислород концентрацияси пасайиши туфайли атроф-муҳитга етказилаётган зарарни баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

зарарли ва иссиқхона (парник) газларидан атроф-муҳитга етказилаётган зарарни баҳолаш;

автомобиль транспортининг чиқиндилари билан боғлиқ барқарорлик кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Тошкент шаҳрининг транспорт тизими

**Тадқиқотнинг предмети** транспорт чиқиндиларининг атмосфера ҳавосидаги кислород таркибига ва атроф муҳит ҳолатига таъсирининг мунтазамлиги.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар доирасида таснифлаш, кузатувлар, синовларни режалаштириш, ижтимоий сўровнома, тизимли таҳлил, умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспорти чиқиндиларининг таснифи «ҳаводаги кислород сийраклашуви» ни инобатга олиб такомиллаштирилган;

автомобиль транспорти оқимининг шаҳар атмосфера ҳавоси таркибидаги кислород миқдори таъсири қонуниятини аниқланган;

шаҳар шароитида атмосфера ҳавосини таркибидаги кислород миқдорини камайиши қийматлари аниқлаш усули ҳудуд бўйлаб автомобиллар тарқалиши ва ҳаракат интенсивлигини ҳисобга олиб такомиллаштирилган;

автомобиль тарнспорти чиқиндилари билан боғлиқ равишда муҳитга етказиладиган зарарни баҳолаш усули ҳаводаги сийраклашган кислороднинг инсонга салбий таъсирини ҳисобга олиб такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

шаҳар тарнспорти барқарорлигини баҳолаш бўйича «ҳаводаги кислород миқдорини сийраклашуви» индикаторини инобатга олувчи янги ёндашув таклиф этилган;

автомобиль транспорти таъсирида шаҳар атмосфера ҳавосида кислород миқдорини камайишини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

«шаҳар асмосферасида кислород миқдорини ҳисоблаш» бўйича дастурий маҳсулот яратилган ва жорий этилган ;

автомобиль транспорти чиқиндиларининг экологик зарарини баҳолаш алгоритими яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** аниқ таҳлилий ёки миқдорий ечимлари маълум бўлган қатор модели масалаларни умум қабул қилинган усуллар асосида ечилганлиги билан асосланади. Ҳар бир ўрганилган масала учун натижаларнинг амалий мослиги талаб этилган аниқликда эканлиги таъминланган. Ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари, алгоритмлари ва дастурларини модели масалаларнинг маълум ечимларига таққослаш - олинган натижаларининг юқори даражали аниқлигини кўрсатди. Бу натижалар экспериментал равишда SMART SENSOR ST8900 газ анализатори ва TL-300 анемометридан фойдаланиш ва натижаларни амалиётга тадбиқ этиш билан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаҳарнинг атмосфера ҳавоси сифатини мониторинг қилиш услубиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган математик моделларни такомиллаштиришдан иборат. «Кислород миқдорининг камайиши» транспортининг экологик барқарорлигини баҳолашнинг янги кўрсаткичи таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбаларнинг пайдо бўлишини башорат қилиш, уларни бошқариш, назорат қилиш ва уларни бартараф этиш имконини берадиган янги дастурий маҳсулотга асосланган турли хил чиқиндилар билан боғлиқ атроф-муҳитга етказилган зарарни баҳолашга янги ёндашувни ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади. Транспорт воситаларининг таъсири остида ҳавода кислород концентрациясининг пасайишини баҳолашда олинган янги натижалар транспортнинг экологик барқарорлигини баҳолашда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Автомобиль транспорти чиқиндиларидан юзага келадиган зарарни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

автомобиль транспорти оқими ва шаҳар атмосфера ҳавосидаги кислород миқдорига таъсири боғлиқлиги қонунияти Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллар қўмитасига қарашли «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йил 20 февралдаги 03-387-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳалаштирилаётган йўлларни экологик баҳолаш тўғрисидаги талабларнинг бажарилишини таъминлаш ва автомобиль йўлларининг атроф-



муҳитга таъсирини баҳолайдиган экспертларнинг иш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган;

атмосфера ҳавосидаги кислород концентрациясини камайтиришни аниқлаш усули Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллар қўмитасига қарашли «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йил 20 февралдаги 03-387-сон маълумотномаси). Натижада, автотранспорт чиқиндиларининг ижтимоий муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш учун маълумотларни баҳолаш имконияти яратилган;

автотранспорт чиқиндиларига ишлов бериш жараёнида атроф муҳитга етказилган зарарни баҳолаш усули ва автомобиль транспорти чиқиндиларининг таснифи «Тошкент кўприкларида фойдаланиш» унитар корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йил 20 февралдаги 03-387-сон маълумотномаси). Натижада, йўл-транспорт корхоналари фаолиятининг атроф-муҳитга етказган зарарини иқтисодий қийматини аниқлаш, транспорт ва йўл техникаси чиқиндилари билан ишлаш жараёнларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари халқаро ва республика миқёсидаги илмий-техник анжуманларда маъруза қилинган ва маъқулланган, улардан 3 таси халқаро ва 3 таси республика анжуманларидир.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа фанлари докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (6 таси хорижий журналларда) чоп этилган, шунингдек, ЭҲМ дастурига 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 104 бет компьютер матнида баён этилган ва кириш қисми, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва шартли белгилар рўйхатидан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгирлиги, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялари ривожининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кенг ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар берилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Тошкент шаҳрида автомобиль транспорти чиқиндиларини ҳисобга олиш ва бартараф қилиш муаммосининг ҳолати»**

деб номланган **биринчи бобида** автомобиль транспортининг чиқиндиларини тўплаш ва утилизация қилишнинг замонавий муаммолари таҳлил қилинган. Аввалги тадқиқотчилар ишларининг таҳлили кўрсатдики, бу изланишларнинг асосий қисми автомобиль чиқиндилари билан ишлаш муаммоларига қаратилган бўлиб, бунда автомобиль транспорти чиқиндиларининг атроф-муҳитни етказилган зарарини иктисодий жihatдан баҳолаш бўйича ўтказилган комплекс тадқиқотлар деярли мавжуд эмас.

Шартли равишда автотранспорт чиқиндиларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган. Автотранспорт чиқиндиларининг мавжуд таснифлаш схемаси таҳлили чиқиндилар туфайли атроф муҳитга етадиган зарарни тадқиқ этиш жараёнлар занжиридаги заиф нуқталарни аниқлаш ва вазиятни яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистондаги автомобилларнинг умумий сони 2 580 133 бирликни ташкил этади, улардан 84% - енгил, 13% - юк автомобиллари ва 3% - автобуслар (2020 йилга оид маълумотлар). Ўртача бир йилда автомобилларнинг 3-4% эксплуатациядан чиқишини эътиборга олсак, унда Тошкент шаҳри бўйича бу кўрсаткич йилига 14544...19392 та автомобилни ташкил этади. Автомобиллар сони ортиб бориши билан шаҳарда уларни сақлаш бўйича майдонлар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Автомобил-транспорт воситасига (АТВ) хизмат кўрсатувчи корхоналар анча катта майдонларни эгаллайди. Бу вазият бир қатор ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда автомобиллардан фойдаланиш интенсивлиги ортиб бориши билан бирга эксплуатациядан чиқарилган автомобиль компонентлари ва чанг-газ чиқиндилар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг массасини баҳолаш учун Ўзбекистонга тегишли бўлган реал рақамларга асосланган услубиятни ишлаб чиқиш зарур. Республикада автотранспортдан чиқадиган чиқиндилар атмосферага чиқаётган атмосферани ифлослантирувчи чиқиндиларнинг умумий ҳажмининг 67,8 % дан 80% гача бўлган ҳажмини ташкил этади.

Автотранспортнинг атмосферанинг ҳолатига таъсири нафақат зарарли чиқиндилар билан бевосита ифлосланишга, балки атмосфера ҳавоси таркибидаги кислороднинг истеъмол қилинишида ҳам кескин сезилмоқда. Ички ёнув двигателларининг (ИЁД) иш вақтида ҳаводаги кислород доимий сарф бўлиб туради (салбий эмиссия), бу эса унинг сийраклашувига олиб келади. Шунинг учун уни «заифлашган ҳаво» рўйхатига киритишни таклиф этилди. Инсоннинг нормал ҳолати учун чегаравий талаб ҳаводаги кислород концентрациясининг 19,5% атрофида бўлиши ҳисобланади. Шунинг учун автомобиль транспорти таъсири натижасида ҳавода кислород концентрациясининг камайишини аниқлаш масаласи ўта муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Автомобиль транспортининг қайта ишланмайдиган чиқиндиларини шаклланиши ҳажмини баҳолаш»** деб номланган **иккинчи бобида** автомобиль транспортининг ҳар хил турдаги чангсимон ва газсимон чиқиндилари ҳажми, ҳамда унинг Тошкент шаҳридаги ажратиладиган майдонлардаги ҳажми баҳоланди.

Ҳавога чиқариладиган чиқинди газлар ҳажмини аниқлаш учун Атмосфера илмий-тадқиқот институти (АТИТИ) томонидан ишлаб чиқилган методикалардан фойдаланилган. Улар транспорт воситаларининг чиқиндилари ҳажмини ёқилғи тури, автомобилнинг экологик синфи, йиллик босиб ўтган масофаси ва йўлнинг тоифасига боғлиқ. Ҳисоблашлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Тошкент шаҳрида автомобиллардан чиққан чиқинди газларнинг жами миқдори, т/йил

CO	NO <sub>x</sub>	SO <sub>2</sub>	CH <sub>4</sub>	CO <sub>2</sub>
54146,31	5432,578	623,182	4568,375	3152859,175

Мой куйиндисининг миқдори (861 т/йил), мой ёниши натижасида ажралган чиқиндиларнинг таркиби ва миқдори, протектор чанги массаси (1190 т/йил) ҳосил бўлиши ҳажми, шунингдек, автомобилларни сақлаш ва автокорхоналарни жойлаштириш учун банд этилган ер майдонлари (9,85 км<sup>2</sup> – шаҳарнинг умумий майдонидан 3% га яқин ҳажми) ҳисобланган.


Шаҳар атмосферасида O<sub>2</sub> нинг фоизли таркиби камайишини назарий баҳолаш амалга оширилган. Бунинг учун асос сифатида аралашма массали концентрация учун турбулент кўчирилиши тенгламаси қабул қилинган бўлиб, унинг ечими Грин функцияси ёрдамида А.Б.Киценко томонидан таклиф қилинган:

$$\Delta q = \frac{2 N_{\text{дв}}}{\rho S} M \sqrt{\frac{T}{\pi K_{zz}}}, \quad (1)$$

бу ерда  $\Delta q$ –автотранспорт таъсири туфайли ҳавода кислород концентрациясининг ўзгариши;  $T$ -харакатларни юқори интенсивлиги вақти, с;  $\rho$ –ҳаво зичлиги,  $\rho=1,29$  кг/м<sup>3</sup>;  $K_{zz} = 0,01 \frac{\text{м}^2}{\text{с}}$  турбулент диффузия коэффициенти;  $M$  – 1 секундда 1 автомобиль томонидан истеъмол қилинадиган O<sub>2</sub> нинг ўртача миқдори, кг/(с·авт),  $N_{\text{дв}}$  – ҳаракатдаги автомобиллар сони, дона;  $S$  – шаҳарнинг майдони (Тошкент шаҳри учун  $S= 340$  км<sup>2</sup>).

А.Киценко мазкур формуладан фойдаланиш учун автомобилларнинг шаҳар ҳудуди бўйлаб тақсимланиши бир хил, уларнинг ҳаракатланиши бир томонлама ва автомобиллар ҳалқа йўл йўналишларидан турар жой кварталлари бўйлаб ҳаракатланмоқда, деган фаразни қабул. Бундай ёндошув ишончли маълумотлар олиш учун жуда соддалаштирилгандек туюлади. Автомобилларнинг юза бўйлаб бир текис тақсимланиши ҳақидаги тахминни шундай қолдириб, тақсимланишнинг кеча-кундуздаги вақт бўйича нотекис тақсимланишни эътиборга олиш керак, чунки шаҳарда ҳаракатланаётган автомобиллар сони ҳаракатлар тиғиз соатларда кескин ортиб кетади. Шу сабабли, (1) тенгламадан фойдаланиш учун бу катталикларни экспериментал ёки ҳисоб усули билан аниқлаш лозим.

Автомобиллар ҳаракатининг юқори интенсивлиги даврларининг давомийлигини аниқлаш бўйича ва ҳаво таркибидаги кислород концентрациясини ўлчаш бўйича синовлар ўтказилди. Кузатув ва ўлчовларни амалга ошириш учун нукталар сони кластер танлаш услуби орқали танлаб олинди.



**1-расм. 4 поласали йўллардаги ҳаракатланиш интенсивлигининг кеча-кундуздаги соатлар бўйича ўзгаришлари графиклари**

Кеча-кундузнинг турли соатларида автомобиллар сонини ойма-ой ҳисоблашни кўп марта амалга ошириш асосида йўллардаги юкларнинг кеча-кундуздаги турли вақтларга бўлиқлигининг ойлар бўйича жадваллари тузилди (1-расм). Кўриниб турибдики, автомобилларнинг 6.00 дан 20.00 гача ҳаракатланиши давомида ҳаракатланиш интенсивлигини 3 марта юқори тиғизлиги кузатилади: I – иш бошланиш вақти, II – иш фаоллиги, III – иш тугаш вақти.

Экспериментал маълумотларни қайта ишлаш натижалари асосида қуйидагилар аниқланди: «тиғиз соат» нинг ўртача давомийлиги ( $T_{\text{ўрт}} = 2,5с = 9000 с$ ), унинг давомийлиги нотекислиги коэффиценти  $K_1=0,5$ , шунингдек, йўлларнинг автомобиллар билан юкланганлик нотекислиги коэффиценти  $K_2=0,68$ .

Шаҳар ҳавосидаги кислород таркибининг ўлчовлари 13 ой давомида амалга оширилди (2019 йил апрелдан-2020 йил май ойига қадар). Ҳаракат интенсивлигининг йўл яқинидаги ҳудуддаги  $O_2$  таркибига таъсирини баҳолаш учун ҳаракат интенсивлиги «тиғиз соати»га қадар ва ундан кейинги  $O_2$  таркиби ўртасидаги тафовут ҳисобланди. Бу тафовутнинг ўртача қиймати  $\Delta q_{\text{ўрт.эксп.}}=0,224 \%$  ни ташкил этди. Бир вақтнинг ўзида ҳавонинг нисбий намлиги, атмосфера босими ва шамолнинг тезлиги ҳам ўлчанди. Корреляция таҳлили шуни кўрсатдики, корреляциянинг энг юқори коэффиценти (0,76)

харакат интенсивлигида кузатилади, яъни айнан шу омил кўп жихатдан йўл яқинидаги ҳудуд атмосферасидаги кислород миқдори таъсир кўрсатар экан.


2019 йил ноябрь ойи учун 6.00 дан 20.00 гача  $O_2$  нинг ўртача қийматлар бўйича фоизли таркиби ўзгариши 2-расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, “тиғиз соат”нинг тугаши  $O_2$  таркибининг ортиши билан кечади. Масалан, I “тиғиз соат” тугагандан кейин (соат 10.00)  $O_2$  таркибининг 19,99% фоизгача ортиши бошланади.

Ҳаводаги кислород концентрациясининг йил фасллари бўйича ўзгаришлари 3-расмда келтирилган.


3-расмдан кўриниб турибдики, шаҳар ҳавосидаги  $O_2$  концентрацияси йил давомида доимий эмас. Октябрь ойидан бошлаб март ойи тугагунча атмосферадаги кислород концентрацияси таркиби анча кам бўлади, бу яшил ўсимликлар фаол ҳаёт фаолиятининг деярли бутунлай тўхташи, шунингдек, ёруғ кунлар даврининг қисқариши туфайли юз беради.

Октябрь ойидан бошлаб  $O_2$  таркиби  $\leq 19,8$  %ни ташкил этади, яъни инсон учун хавfli даражага яқинлашади (19,6 – 19,5 %  $O_2$ ). Баъзи кунларда кислород таркиби 19,2 % гача камади. Бир йил давомида - 39 кун ҳаводаги  $O_2$  таркиби нормадан камайгани қайд этилди.

3-расмда турар-жой майдонининг кислород миқдори йўл яқинидаги полосага қараганда сезиларли даражада юқори эканлигини кўриниб турибди. Шаҳар чегарасидан ташқарида амалга оширилган назорат ўлчовлари шаҳар ҳавосида  $O_2$  миқдорининг камайиши шаҳар ташқарисидаги ҳудудга нисбатан  $\Delta q = 0.3...0.4$  % эканлигини кўрсатди.



2-расм. 2 полосали харакатли йўллар учун автомобиллар сони ва ҳаводаги  $O_2$  миқдорининг ўзгаришлари



3-расм. 4 полосали йўллар учун кундузги вақтда шаҳар ҳавосидаги  $O_2$  таркибининг ўртача ойлик қийматлари

Тиғиз соат давомийлигининг нотекислиги ва тажрибалар натижасида аниқланган йўл юкининг нотекислиги коэффицентлари А. Киценко (1) тенгласига киритилди, натижада у қуйидагича кўринишга келди:

$$\Delta q = \frac{2}{\rho} \frac{N_{os}}{S} \cdot K_2 \cdot M \sqrt{\frac{TK_1}{\pi K_{zz}}} ; \quad (2)$$

Такомиллаштирилган тенглама билан ҳисобланган "тиғиз соат" давомида Тошкент шаҳар атмосферасида кислород миқдорининг назарий жиҳатдан мумкин бўлган камайиши 0,206 фоизни ташкил қилди.  $\Delta q$  нинг экспериментал олинган қийматларини назарий жиҳатдан (2) формула билан ҳисобланган қийматлари билан таққослаш шуни кўрсатдики, четланишлар экологик тадқиқотлар учун мақбул бўлган назарий қийматларнинг  $\pm 20\%$  оралиғида ётади.

Диссертациянинг «Автомобил транспортида қайта ишланган чиқиндиларни шаклланиши ҳажмини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида автотранспорт воситаларининг қайта ишланадиган турли чиқиндиларини тўпланиш ҳажмини баҳолаш амалга оширилди. Бундай чиқиндилар қаторига: қора ва рангли металллар, эскирган шиналар, ишлатилган аккумуляторлар, антифризлар, электролитлар ва ишлатилган мойлар киритилади.

АТВ бўйича эксплуатация ва утилизация қилиш вақтида чиқиндилар миқдорини ҳисоблаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Чиқиндилар миқдори, т/йил

Босқич*	Материал								
	Қора металл	Мис	Алюминий	Қўрғошин	Этиленгликоль	Электролит (H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> )	Шиналар	Мой	Шиша
Э	6577	250	305	2475	927	989 (336.3)	5360	2996	Маълумотлар йўқ
У	3910	61	378	69	19	30 (10.2)	174	60	200
жами	10487	311	683	2544	946	(346.5)	5534	3056	-

\* Э – фойдаланиш, У – утилизация қилиш.

Қайта ишланадиган турли чиқиндиларнинг ҳажмларни аниқлаш учун автомобиль чиқиндиларини тўплаш ёки қайта ишлаш, бартараф қилишнинг тартибсиз жараёнини ҳолати автомобиль эгалар билан социологик сўров ўтказиш орқали ўрганилди. Сўровнинг мақсади автотранспорт воситаларини қайта ишлаш учун олинган чиқиндилар массасини баҳолашдан иборат эди. 3-жадвалда сўров натижалари келтирилган:

## 3-жадвал

### Ижтимоий сўров натижаларига кўра АТВ чиқиндиларини бошқариш усуллари (фоизда)

Чиқиндилар билан муомала қилиш усули	Чиқинди тури					
	Қайта зарядланувчи батареялар	Антифриз	Мой	Шиша	Шиналар	Металл
Қаттиқ майиш чикинди (ҚМЧ) чикиндихонасига юбориш, канализацияга ёки ерга тўкиш, ёқиш	20,6	54,2	32	58,1	26,1 (эски-туски)	28
Гаражда сақлаш	4,4	1,7	4,8	2	7,3 (хлам)	5,1
Қайта ишлашга топшириш	31,8	2	2,8	4,8	20,3	30,8
Автосервисда қолдириш*	17	38,6	48,8	27,1	15,9 (тамирлаш)	21,5
Автомобил бозорида сотиш	25,8	2,1	7,8	3,5	28,1	13,2
Нотўғри фойдаланиш	0,4	1,4	3,8	4,5 (таъмирда)	2,3	1,4
Сўровда қатнашганлар сони	519	515	537	399	521	493

Ижтимоий сўров натижалари таҳлили натижалари асосида энгил автомобиллар паркиннинг ёқилғи тури бўйича тақсимланиши, бир қатор чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш ҳолати бўйича маълумотлар олинди, улар асосида Тошкент шаҳарида ташиладиган автомобиль чиқиндиларини ҳажмлари ҳисоблаб чиқилди (4-жадвал).

## Ташиладиган чиқиндилар миқдори

Материал	Миқдори т/йил	Қайта ишлаш учун, т/йил (%)	Материални йўқотиш*		Компенсация тарзида чиқариш, т/йил
			Худуднинг ифлосланиши, т/йил (%)	Тупрокка тушиши т/йил (%)	
Қора металл	10487	5485 (52,3)	3471 (34,5)	-	3618
Мис	311	163 (52,3)	107 (34,5)	-	107
Алюминий	683	357 (52,3)	236 (34,5)	-	236
Кўрғошин	2544	1241 (48,8)	646 (25,4)	-	646
Шиналар	5534	1123 (20,3)	1976 (35,7)	-	1976
Этиленгликоль	946	-	-	946 (100)	946
Сульфат кислота	347	169 (48,8)	-	88 (25,4)	88
Мой	3056	86 (2,8) – П** 1730 (56,6) – С	-	978(32)	1730

\*материал йўқотишлари ҚМЧ га жўнатилган, ерга тўкилган, гаражда сақланаётган ва тўғридан-тўғри фойдаланиш, бошқа мақсадлар учун тўпланган чиқиндилардан ташкил топади, П – қайта ишлаш; С – ёндириш

Ишлаб чиқаришнинг ҳар хил турларидан олинган солиштирма чиқиндилар тўғрисидаги маълумотларга кўра, чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёқишдан, шунингдек йўқотилган материалларни компенсация тарзида чиқаришдан олинган чиқиндилар миқдори аниқланди. Зарарли чиқиндиларнинг энг кўп миқдори қора металллар, шиналар ва этиленгликолларнинг компенсация тарзида чиқариш жараёнида кузатилиши аниқланди.

Диссертациянинг «Автомобил транспорти чиқиндиларидан атроф муҳитга етказилган зарарни ва чиқиндиларнинг транспорт барқарорлигига таъсирини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда ҳаёт даврининг барча босқичларида автотранспорт воситаларининг қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган чиқиндиларидан келиб чиқадиган зарарни ҳисобга олган ҳолда автотранспорт воситаларининг турли чиқиндиларидан келадиган зарарни баҳолашнинг комплекс усули ишлаб чиқилган. Аҳоли иш қобилиятининг пасайишини ҳисобга олган ҳолда шаҳар атмосфера ҳавосида кислород концентрациясининг камайиши натижасида келиб чиқадиган зарарни аниқлаш формуласи таклиф этилди:

$$Bp_1 = 6 \cdot k_1 \cdot k_2 \cdot 3P_{\text{ўр}} \cdot N_{\text{мл}} \cdot \Delta q, \quad (3)$$

бу ерда: 6 – O<sub>2</sub> миқдори паст бўлган давр давомийлиги, ойлар (тажриба натижаларига кўра); k<sub>1</sub> – O<sub>2</sub> миқдорининг камайишида автотранспорт улушини ҳисобга олувчи коэффициент; K<sub>1</sub> = 0,8; k<sub>2</sub> – ҳар 1 фоиз учун O<sub>2</sub> миқдорининг камайиши билан меҳнатга лаёқатли аҳолининг йўқотилган меҳнат унумдорлигини ҳисобга олувчи коэффициент; K<sub>2</sub> = 0,3; 3P<sub>ўр</sub> – ўртача ойлик иш ҳақи, (иш ҳақи меҳнат унумдорлигини маълум даражада акс эттиради); N<sub>мл</sub> – меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, минг киши.; Δq – шаҳар атмосферасидаги O<sub>2</sub> миқдорининг шаҳар ташқарисидаги O<sub>2</sub> миқдорига нисбатан камайиши, фоизларда.



Бошқа турдаги чиқиндилардан зарарланишни аниқлаш усуллари турли меъёрий-услубий ҳужжатлар ва олдинги тадқиқотчиларнинг ишларидан танлаб олинган ва ягона усулга бирлаштирилди. Таклиф қилинган усул бўйича ҳисоблаш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

### 5-жадвал

#### Автомобиль транспорти чиқиндилари билан атроф-муҳитга етказилаётган зарар, млн.АҚШ долл./йил

	Атроф-муҳит элементлари		
	Атмосфера ҳавоси	Сув	Ер
Қайта ишланмайдиган чиқиндилардан етадиган зарар	499,3	-	32,5
Қайта ишланадиган чиқиндилардан етадиган зарар	0,646	36,4	0,118
Йиғиндиси	499,95	36,4	32,618
Жами	<b>568,96 млн.АҚШ долл./йил</b>		

Шунингдек, Тошкент шаҳри учун шаҳар транспорти экологик барқарорлигининг баъзи кўрсаткичлари ҳам ўрганилди: заҳарли газлар чиқиндилари, иссиқхона (парник) чиқиндилари, ердан фойдаланиш, шаҳар йўлларининг кўкаламзорлаштирилгани шулар жамласидандир. Таҳлиллар кўрсатдики, бу барча кўрсаткичлар бўйича Тошкент шаҳридаги транспорт барқарорлиги мавжуд эмас ва 2030 йилга қадар таъминлашнинг имкони ҳам йўқ.

Транспортнинг экологик барқарорлиги индикаторлари рўйхатига муаллиф томонидан А.Киценконинг такомиллаштирилган тенгламаси бўйича аниқлаш мумкин бўлган кислород оқими кўрсаткични киритиш таклиф қилинди. Дастлабки индикатор қиймати сифатида ҳавода 19,8 % O<sub>2</sub> концентрациясини инсон саломатлиги учун хавфсиз чегараси сифатида қабул қилиш тавсия этилади.

## ХУЛОСАЛАР

«Автомобиль транспорти чиқиндиларининг атроф-муҳитга келтириладиган зарарини баҳолаш (Тошкент шаҳри мисолида)» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Чиқиндиларнинг атроф-муҳитга етказаетган зарарини аниқлаш учун асос ҳисобланган АТК қайта ишланмайдиган чиқиндиларининг миқдорий баҳолаш амалга оширилди. Қайта ишланмайдиган чиқиндиларга автомобиль двигатели орқали ўтадиган ҳавони ҳам киритиш, уни ҳам чиқинди сифатида ҳисоблаш ва “заифлашган ҳаво” деб аташ таклиф қилинди.

2. Шаҳар ҳавосида кислород концентрациясининг камайиши автомобиль транспорти ишига боғлиқлиги аниқланди. Аҳолини хабардор қилиш учун хизмат қилувчи баъзи метеорологик кўрсаткичларнинг қийматлари бўйича кислород концентрациясини аниқлашнинг мавжуд моделларига боғланган ноаниқликлар асосланди. Атмосфера ва бино ичидаги

O<sub>2</sub> нинг чегаравий таркибини белгиловчи меъерий хужжатлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

3. А.Б.Киценко тенгламаси дастлабки маълумотларнинг нотекис характерини ҳисобга олувчи коэффициентларни киритиш йўли билан тақомиллаштирилди. Шаҳар атмосферасида O<sub>2</sub> таркибининг камайишининг амалий ҳисобларини амалга ошириш учун А.Б.Киценконинг Грин функциясига асосланган тенгламасидан фойдаланиш тавсия этилди. Коэффициентлар Тошкент шаҳри широкларида синовлар йўли билан аниқланди. Шаҳар ҳавосидаги кислород улушининг камайишини аниқлаш бўйича тақомиллаштирилган тенглама амалий ҳисоб-китоблар бўйича методика тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

4. Зарарни баҳолаш бўйича мавжуд усулларни таҳлил қилиш асосида атмосферадаги кислород концентрациясининг камайишидан юзага келадиган зарарни ҳисоблаш учун формула таклиф этилди. Тошкент шаҳри миқёсида шаҳар аҳолисига заифлашган ҳаво туфайли етказиладиган зарар йилига 390,36 миллион АҚШ долларни ташкил этиши аниқланди.

5. Автомобиль эгалари ўртасида АТК қайта ишланадиган чиқиндиларига оид ижтимоий сўровнома ўтказиш натижасида ноҳуш вазият аниқланди: 30% га яқин металл ва резина чиқиндилар ташлаб юборилади (йўқотилади); 32 % ишлатилган мойлар ерга тўкилади ёки ёқиб юборилади.

6. Қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган чиқиндиларни ҳисобга олувчи автотранспорт чиқиндиларидан етадиган зарарни комплекс баҳолаш усули таклиф қилинди. Атроф-муҳитга қайта ишланмайдиган автотранспорт чиқиндилари билан етказиладиган зарар устидан ўтказилган баҳолаш кўрсатдики, 2020 йил маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри миқёсида етказиладиган ўртача йиллик зарар қиймати 531,8 миллион АҚШ долларни ташкил этади. Қайта ишланадиган чиқиндилардан етказиладиган зарар ҳажми йилига 37,164 АҚШ долларни, жами 2020 й. бўйича зарар эса 568,96 АҚШ долларни ёки 1 автомобиль учун 1037,85 АҚШ долларни ташкил этади.

7. Тошкент шаҳри шароитлари учун транспорт барқарорлигининг автомобиль транспортининг турли хил чиқиндилари билан боғлиқ бўлган баъзи кўрсаткичларини баҳолаш амалга оширилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «заҳарли моддалар чиқиндилари», «иссиқхона газлари чиқиндилари» индикаторлари бўйича 1990 йил кўрсаткичларига нисбатан таққослаганда 541,4% миқдорда ортган, ваҳоланки, барқарорликни таъминлаш талабларига кўра чиқиндилар миқдорининг камайтирилиши талаб этилади. Қайта ишланадиган чиқиндилар билан боғлиқ индикаторлар бўйича ҳам барқарорлик таъминланмаган. ЎЗР да чиқиндиларни қайта ишлаш индикатори 47,3% ни ташкил қилади. Бу ривожланаётган мамлакатларнинг кўрсаткичларига яқин. «Транспорт воситалари томонидан ердан фойдаланиш» индикатори бўйича туроргоҳ ва бошқа автотранспорт корхоналари учун ажратиладиган худудларнинг доимий равишда ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Ваҳоланки, барқарорликни таъминлаш учун транспорт эҳтиёжлари учун ажратиладиган ерлар улуши 1990 йилга нисбатан қисқариши керак эди. «2030 йилга қадар транспортнинг экологик барқарорлигини таъминлаш мақсадига эришишнинг имкони йўқ», деган хулосага келинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ  
ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ШИПИЛОВА КАМИЛА БАХТИЯРОВНА**

**ОЦЕНКА ВРЕДА, НАНОСИМОГО ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЕ  
ОТХОДАМИ АВТОМОБИЛЬНОГО ТРАНСПОРТА  
(на примере города Ташкента)**

**11.00.05 – охрана окружающей среды и рациональное  
использование природных ресурсов  
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктори филозофии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/T2171

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiizme.uz](http://www.tiizme.uz)) и на информационно-образовательном портале «Ziyoueto» по адресу ([www.ziyoueto.uz](http://www.ziyoueto.uz))

Научный руководитель:	Радженич Мария Викторовна доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Муратов Шухрат Одылович доктор технических наук, профессор Ханкелов Таъбий Каримович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени Мехома Каримова

Защита диссертации состоится 29 июня 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании годового Научного совета при научном совете DSc-09/30.12.2019, T.10.02 Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кара – Навоий, 39. Тел. факс: (+99871)237-16-68, e-mail: [admin@tiizme.uz](mailto:admin@tiizme.uz)

С докторской диссертацией PhD можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрирована № 184); Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кара – Навоий, 39. Тел./Факс: (+99871) 237-19-34

Автореферат диссертации расслан 16 июня 2021 года.  
(протокол рассылки № 183 от 16 июня 2021 г.)



**Т.З. Султайлов**

Председатель годового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Янишев**

Ученый секретарь годового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Б.К. Каримов**

Председатель годового научного семинара при годовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире обеспечение устойчивости городов и населенных пунктов и входящего в них транспорта имеет важное значение. В связи с этим, во многих зарубежных странах, в том числе в Израиле, Греции, США, особое внимание уделяется инвентаризации автомобильных отходов, совершенствованию системы управления в области обращения с отходами, внедрению современных методов мониторинга за образованием, распределением, сбором, транспортировкой, переработкой и обезвреживанием автомобильных отходов. В этом отношении, содействие обеспечению экологической устойчивости транспорта требует всесторонней оценки воздействия автотранспорта и транспортных отходов на окружающую среду обеспечения устойчивого обращения с отходами при эксплуатации автотранспортных средств в развитых странах имеет важное значение.

В мире проводятся целевые научные исследования, направленные на эффективную оценку за процессов образования автомобильных отходов на всём жизненном цикле транспортного средства. В этом отношении для оценки вреда, наносимого окружающей среде отходами автомобильного транспорта, необходимо получить данные о составе отходов, интенсивности территориального их образования и распределения, сбора и транспортировки, переработки и обезвреживания. В Республике Узбекистан эта проблема пока не решена, хотя в настоящее время зарегистрировано более 2,5 млн. автомобилей, из которых на долю г. Ташкента приходится около 0,5 млн. В результате эксплуатации такого количества автомобилей возникают проблемы с территориальным распределением автотранспортных средств (АТС), нарастающим вредом, причиняемым окружающей среде выбросами и стоками, утилизацией разнотипного вида автомобильных отходов. В этой связи, комплексная оценка вреда от автомобильного транспорта, учитывающая все этапы жизненного цикла, является одной из важных задач.

В Республике внимание к проблеме накопления отходов возрастает. Согласно Указу Президента РУз от 21.04.2017 г. № УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды»<sup>1</sup> должен осуществляться государственный контроль за соблюдением законодательства в области обращения с отходами. В связи с этим, для решения этой задачи при центральном аппарате ГК РУз по экологии и охране окружающей среды создана Инспекция по контролю за образованием, сбором, хранением, транспортировкой, утилизацией, переработкой, захоронением и реализацией отходов, что является важной её задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 21 апреля 2017 г. УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды»

выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № 841 от 20.10.2018 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года»), задача 11.6. сформулирована: «К 2030 году уменьшить негативное воздействие экологии городов на население, в том числе посредством уделения особого внимания качеству воздуха и удалению городских и других отходов», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 апреля 2019 года № ПП-4291 «По утверждению стратегии работ по обращению с твердыми бытовыми отходами в Республике Узбекистан на период 2019 — 2028 годов», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся этой деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Изучению вопросов отдельных задач, касающиеся отходов автомобильного транспорта в Республике Узбекистан были посвящены научные работы и получены положительные результаты такими учеными как Б. Базаров, О. Адилов, И. Кушбоков, А. Барханаджян, Р. Хакимов, М. Радкевич, А. К. Шарипов и др.

